

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

347 Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2282-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 13 майдаги 121-сонли «Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2011 йил 14 октябрдаги 63-сон буйруғи (рўйхат рақами 2282, 2011 йил 17 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 45-46-сон, 483-модда) билан тасдиқланган Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 24 июнь,
45-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2014 йил 24 июндаги
45-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби
ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни
тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. III боб қуйидаги мазмундаги 30¹-банд билан тўлдирилсин:

«30¹. I гуруҳ ногирони ва 80 ёшга тўлган кексаларга қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномаси (кейинги ўринларда — текшириш далолатномаси деб юритилади) ҳар 12 ойга икки нусхада расмийлаштирилади. Текшириш далолатномасининг бир нусхаси I гуруҳ ногирони ва 80 ёшга тўлган кексаларнинг пенсия йиғмажилдига тикилади, иккинчи нусхаси қараб турган шахсга берилади.

Қараб турган шахсга пенсия тайинлашда текшириш далолатномаси ушбу шахснинг пенсия йиғмажилдига тикилади.

Текшириш далолатномаси I гуруҳ ногирони, шунингдек 80 ёшга тўлган кексага қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномасини рўйхатга олиш китобида қайд этилиши лозим (мазкур Йўриқноманинг 22а-илоvasи).».

2. 39-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда мурожаат этиш куни деб I ёки II гуруҳ ногиронлигини белгилаш санаси ҳисобланади.».

3. 50-бандда:

биринчи хатбошидаги «унинг талабига» деган сўзлар «пенсионернинг янги яшаш манзили бўйича Пенсия жамғармаси бўлими сўровига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Пенсионернинг давлат олдида у томонидан содир этилган суиистеъмолликлар (атайлаб нотўғри маълумотлар билан ҳужжатлар тақдим этилиши, боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар тақдим этилмаслиги) натижасида

пенсиялар суммасининг ортиқча тўланиши бўйича қарздорлиги мавжуд бўлганда пенсия йиғмажилди етказилган зарар тўлиқ қоплангандан сўнг берилади.»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

4. 51-бандда:

биринчи хатбошидаги «бошлаб» деган сўздан кейин «, лекин унинг томонидан ҳисобга қўйиш мақсадида мурожаат этилганидан олдинги уч йилдан ошмаган давр учун» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бошқа давлатдан келган шахснинг, шу жумладан, илгари Ўзбекистон Республикасидан кетган шахснинг пенсия йиғмажилдини ҳисобга қабул қилиб олишда, унинг бошқа давлатда пенсия олганлигидан қатъи назар, пенсия ҳисобга қабул қилиш тўғрисида мурожаат қилинган вақтда амалда бўлган қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади ва Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат этган кундан бошлаб тўланади.»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

5. 1-иловада:

4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«	4.	Дафн этишга нафақа тўлаш тўғрисидаги аризаларни рўйхатга олиш китоби	Бўлим бошлиғи ўринбосари	Бўлим бошлиғи	»;
---	----	--	--------------------------	---------------	----

қуйидаги мазмундаги 26-банд билан тўлдирилсин:

«	26.	I гуруҳ ногирони, шунингдек 80 ёшга тўлган кексага қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномасини рўйхатга олиш китоби	Пенсия тайинлаш гуруҳи раҳбари	Бўлим бошлиғи ўринбосари	».
---	-----	--	--------------------------------	--------------------------	----

6. 2-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-иловасига мувофиқ таҳрирда баён қилинсин.

7. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 2-иловасига мувофиқ таҳрирда 22а-илова билан тўлдирилсин.

Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия хужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
1-ИЛОВА

«Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия хужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага
2-ИЛОВА

Олд томони

(раҳбар кўрсатмаси)

Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан
ташқари Пенсия жамғармаси

(шаҳар, вилоят, республика)

_____ туман

(шаҳар) бўлими бошлиғига

Фуқаро _____
(Ф.И.О.)

Манзили _____

Туғилган санаси _____ паспорт серияси _____ рақами _____

Берилган вақти _____

_____ томонидан берилган.

Телефон рақами _____

А Р И З А

Менга ёшга, ногиронликка, боқувчисини йўқотганликка доир пенсия ёки ижтимоий нафақа тайинлашингизни (қайта ҳисоблаш, тиклаш, бошқа турдаги пенсияга ўтказиш, улушини ажратиш) сўрайман (*кераклигининг тагига чизилсин*).

Пенсия ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақини (*охирги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йилдаги*) _____ йил _____ ойидан _____ йил _____ ойигача олишингизни сўрайман.

Сизга маълум қиламанки, менга авваллари пенсия (нафақа) бошқа асосларга кўра ёки бошқа муассасада тайинланмаган, тайинланган (*кераклигининг тагига чизилсин*).

Ҳозирги кунда ишламайман, ишлайман (*кераклигининг тагига чизилсин*).

Иш жойи _____

Менга пенсия (нафақа) алоқа бўлими, тижорат банки филиали ёки пластик (банк) карточкаси (*кераклингнинг тагига чизилсин*) орқали тўлансин.

Қонун ҳужжатларига асосан ҳар хил турдаги пенсия (нафақа) олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсга фақатгина битта турдаги пенсия олиш мумкинлиги тўғрисида танишдим.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси _____ туман (шаҳар) бўлимини ишга кириш ёки ишдан бўшаш, оила аъзолари таркиби ўзгарганлиги, яшаш жойи ўзгарганлиги каби ўзгаришлар содир бўлганда ўз вақтида хабардор қилиш мажбуриятини оламан.

Такдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигини кафолатлайман.

Иш стажи ва иш ҳақини Халқ банки филиалига шахсий жамғарилиб бориладиган пенсия ҳисобварағига (ШЖБПҚ) киритилган жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари орқали текширишга розилик бераман.

« ____ » _____ 20__ й. Аризачи имзоси _____

Бўлим томонидан тўлдирилади	Паспорт маълумотлари ва такдим этилган ҳужжатлар текширилди. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни « ____ » _____ 20__ йил қабул қилинди ва _____ -сон билан қайд этилди.		
	Пенсия тайинлаш учун етишмаётган ҳужжатлар		Охириги ҳужжатни такдим этиш санаси
	ҳужжат номи	такдим этиш санаси	

Аризачи имзоси _____ Қабул қилувчи имзоси _____

----- кесиш чизиғи -----

Орқа томони

Аризага илова қилинган
ҳужжатлар рўйхати

Қўшимча такдим этилган
ҳужжатлар рўйхати

Т/р	Ҳужжат номи	Сони	Санаси
1.	Паспорт нусхаси		
2.	Такдимнома		
3.	Меҳнат дафтарчаси		
4.	Жамғариб бориладиган пенсия китобчаси нусхаси		
5.	Иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома		

Т/р	Ҳужжат номи	Сони	Санаси
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			

Т/р	Хужжат номи	Сони	Санаси
6.	Қарамоғида бўлганлигини тасдиқловчи хужжатлар		
7.	Иш стажини тасдиқловчи хужжатлар		
8.	Тижорат банки филиали томонидан пластик (банк) карточкасини очишга шартнома нусхаси		
9.	Пластик карточка орқали пенсия (нафақа) тўлаш тўғрисида ариза		

Т/р	Хужжат номи	Сони	Санаси
6.			
7.			

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси _____ туман (шаҳар) бўлими пенсия тайинлаш бўйича комиссиясининг 20____ йил «___» _____ даги _____-сон қарорининг қисқача мазмуни

Комиссия аъзолари имзолари:

Раис _____

Аъзолар 1. _____

2. _____

М.Ў. 3. _____

4. _____

----- кесиш чизиғи -----

Бўлим томонидан тўлдирилади	Паспорт маълумотлари ва тақдим этилган хужжатлар текширилди. Ариза ва унга илова қилинган хужжатларни «___» _____ 20 ____ йил қабул қилинди ва _____-сон билан қайд этилди.		
	Пенсия тайинлаш учун етишмаётган хужжатлар		Охириги хужжатни тақдим этиш санаси
	хужжат номи	тақдим этиш санаси	

Аризачи имзоси _____ Қабул қилувчи имзоси _____».

Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
2-ИЛОВА

«Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага
22а-ИЛОВА

**I гуруҳ ногирони, шунингдек 80 ёшга тўлган кексага қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномасини рўйхатга олиш
КИТОБИ**

Т/р	Пенсионер ёки нафақа олувчининг шахсий ҳисобварағи	Пенсионер ёки нафақа олувчининг Ф.И.О.	Пенсионер ёки нафақа олувчининг яшаш манзили	Пенсионер ёки нафақа олувчига қараб турувчи шахснинг Ф.И.О.	Қараб турувчи шахснинг яшаш манзили	Қараб турувчи шахснинг тугилган санаси ва паспорт маълумотлари	Текшириш далолатномасига асосан қараб туриш амалга оширилган давр	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1.								
2.								
3.								

».